

Сенат ишчи гуруҳи туманинг ишибилармон ва тадбиркорликка қизиқувчи хотин-қизлари билан учрашди



Олий Мажлис Сенатининг хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва хотин-қизлар фаолият юритадиган ҳунармандчилик турларига ихтисослашган кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш, хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гурухининг вилоятдаги ташрифи давом этмоқда.

Куни-кеча ишчи гуруҳ аъзолари Термиз туманида мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари юзасидан ўтказилган муҳокама йиғилишидан кейин тумандаги ишибилармон ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган, ўз фаолиятини бошлашда муаммолари бор хотин-қизлар билан учрашув ўтказди.

Олий Мажлис Сенатининг Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенглик масалалари бўлими мудири, ишчи гуруҳи аъзоси Нодира Шотурсунова ва ишчи гуруҳ аъзолари, туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари ва туман масъуллари иштирок этган учрашувда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи хотин-қизларнинг ташабbusлари, уларни амалга оширишда дуч келаётган муаммолар тингланиб, муаммоли масалаларини ҳал этиш ва ташабbusларни амалга ошириш учун кўрсатиладиган қўмаклар тўғрисида сухбатлар ўтказилди.

Ҳар бир ташабbus масъуллар билан биргаликда кўриб чиқилди ва келгусида кўтарилилган масалаларга ижобий ёндошган ҳолда кўмак кўрсатиш чоралари белгилаб олинди.





